



## ТАДБИРКОРЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ БАҲОЛАШНИНГ “БИЗНЕС МАҲОРАТ” МЕХАНИЗМИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

**Наврўзода Лайли Бахтиёрвна -**  
Бухоро давлат университети  
мустақил изланувчиси

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss4/a45](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a45)

**Аннотация.** Мақолада бизнес субъектларининг сифат аниқловчиси инсон тадбиркорлик қобилиятининг ривожланиш даражасига боғлиқлигига асосланган “тадбиркорлик маҳорати” инновацион ғояси кўриб чиқилади. Ушбу ғоянинг методологик асослари бўлмиш “сифат менежментининг бизнес экселленс” концепцияси ва “иқтисодий комил инсон” концепциясининг мазмун-моҳияти очиб берилади. Европа Сифат Менежменти Фонди (EFQM)нинг Бизнес мукамаллик (Business excellence) моделининг ташкилий тузилиши ва баҳолаш мезонларига тафсилот бериб ўтилади. Инсон иқтисодий унумдорлигининг ўлчов мезони сифатида иқтисодий қобилиятларининг баҳолаш кўрсаткичлари тавсифланади. “Иқтисодий лаёқат тести” воситасида Бухоро шаҳрида иш билан банд бўлганлардан 250 нафарининг иқтисодий қобилиятларининг ривожланганлик даражаси эксперт усулида ҳисоб-китоб қилинади.

**Таянч сўзлар:** бизнес, тадбиркорлик қобилияти, иқтисодий қобилиятлари, тадбиркорлик маҳорати, сифат менежменти, бизнес мукамаллик модели, иқтисодий комил инсон, инсон иқтисодий унумдорлиги.

## МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ МЕХАНИЗМА ОЦЕНКИ «БИЗНЕС СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ» ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ СПОСОБНОСТИ

**Наврўзода Лайли Бахтиёрвна -**  
Соискатель Бухарского  
государственного университета

**Аннотация.** В статье рассматривается инновационная идея «совершенства предпринимательства», основанная на зависимости качественной характеристики бизнес субъектов от степени развитости предпринимательской способности человека. Раскрываются содержание понятий - «бизнес совершенства управления качеством» и «экономически совершенный человек», которые являются методологическими основаниями этой идеи. Подробно описана организационная структура и критерии оценки модели совершенства бизнеса Европейского фонда управления качеством (EFQM). Характеризуются критерии оценки экономической способности как меры экономической производительности человека. Осуществлён расчёт степени развитости экономических способностей на основе «Теста экономической компетентности» экспертным путем 250 занятых трудом и предпринимательством в городе Бухаре.

**Ключевые слова:** бизнес, предпринимательские способности, экономические способности, предпринимательское совершенство, управление качеством, модель делового совершенства, концепция экономически совершенного человека, экономическая производительность человека.

## METHODOLOGICAL BASIS OF "BUSINESS EXCELLENCE" MECHANISMS EVALUATION OF ENTREPRENEURSHIP ABILITY

**Navruz-zoda Layli Bakhtiyorovna -**  
Independent researcher of Bukhara State University

**Abstract.** The article deals with the innovative idea of "entrepreneurial excellence", based on the dependence of the of qualitative characteristics of business entities on the degree of development of entrepreneurial ability. The concepts of "business of excellence in quality management" and "economically perfect person" are revealed, which are the methodological foundations of this idea. The organizational structure and criteria for evaluating the European Foundation for Quality Management (EFQM) Business Excellence Model will be described in detail. Criteria for evaluating economic ability as a measure of a person's economic productivity are characterized. The degree of development of economic abilities of 250 employed people in the city of Bukhara will be calculated by an expert on the basis of the "Test of economic competence".

**Keywords:** business, entrepreneurial ability, economic ability, entrepreneurial excellence, quality management, business excellence model, the concept of an economically perfect person, economic productivity of a person.

**Кириш.** Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 2022-2026 йилларда устувор йўналишларидан бири “тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, солиқ юкини камайтириш, ҳаммага тенг бўлган бизнес муҳити ва зарур инфратузилма яратиш асосида миллий иқтисодиётни, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида ривожлантириш” [1], деб белгиланди. Ушбу муҳим вазифани амалга ошириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини сифат жиҳатидан юксалтиришнинг инновацион ёндашуви, жумладан, “сифат менежментининг бизнес маҳорати (business excellence)” концепцияси асосида тадбиркорликни ривожлантиришнинг “мукамаллик йўли”ни тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Бунда “тадбиркорлик маҳорати” деганда, биз тадбиркорнинг ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда мижозларининг ҳам эҳтиёжлари тўлақонлик билан қондирилганлиги, худуди ва давлатининг фаровонлиги учун хизмат қилиб, илғор бизнес субъекти даражасида фаолият кўрсатишини назарда тутамиз.

Тадбиркорликнинг мукамал ривожланишида бизнес соҳасида рўй бераётган трансформацион жараёнларга мос ташкилий-иқтисодий механизмларни танлаб олиш керак. Гап шундаки, бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи таклиф омилларнинг кўлами кенгайди. Иқтисодиётнинг ривожланиши билан бирга, XX асрнинг 20-30-йилларида “менежмент” ва “маркетинг” концепциялари вужудга келиб, ишлаб чиқарувчи кучлар таркибига кириб келиши оқибатида анъанавий капиталистик иқтисодиёт аста-секинлик билан янги – тадбиркорлик иқтисодиётига айланди. Бу даврдан бошлаб Ғарб мамлакатлари иқтисодиётидаги капитал муносабатлар негизида бизнес муносабатлари юзага келиб, капитал бизнесга трансформация бўлди.

Бундай иқтисодий трансформация таъсирида микроиқтисодиётда вазият тубдан ўзгарди. Фойда келтирадиган иш (бизнес) қўшимча қиймат келтирадиган қиймат (капитал)га нисбатан афзалликка эга бўлиб, тадбиркорлик корхоналари шаклланди. Яъни капиталнинг бизнесга трансформацияси натижасида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида қўшимча қиймат яратишда ишчи кучи билан бир қаторда инсоннинг тадбиркорлик қобилияти ҳам бевосита қатнаша бошлади. Натижада “жамиятнинг эволюцион ривожланиши унинг иқтисодий тизимида инсон мақомининг эволюцияси билан бир вақтда со-

дир бўлади” [14, 103 б]. Иқтисодий трансформация жараёнида шакланган инсон “тадбиркорлик қобилияти” бизнес маҳоратининг пойдевори сифатида хизмат қилади.

#### Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг назарий ва амалий томонлари иқтисодчи олимлар томонидан кўриб чиқилган. Академик С.Ғуломов кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мазмун-моҳияти ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги ролига тўхталиб ўтган [5].

Профессор Н.Мурадова “тадбиркорлик қобилияти” ва “тадбиркорлик фаоллиги” тушунчалари хусусиятларини таҳлил этиб, тадбиркорлик фаоллиги янги категория сифатида реал воқеликда намоён бўлганлигини илмий асослаб берган [8].

Н.Файзуллаевнинг тадқиқотларида КБХТ субъектларини барқарор ва мутаносиб ривожлантиришнинг миқдор жиҳатига асосий эътибор қаратилган [16]. Ўзбек олимлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг сифат жиҳати ва маҳоратли ривожланиш масалаларига унча эътибор қаратмаганлар.

Бизнес субъектларининг сифат мукамаллиги масаласи Европа Сифат Менежменти Фондининг “Бизнес экселленс модели” да иккита тизимости: 1) *имкониятлар* ва 2) *натижалардан* таркиб топган ва бир-бири билан чамбарчас боғланган 9 та йирик ва бир нечта кичик мезонларга бўлинган ҳолда кўриб чиқилган [18,19]. Европа Сифат Менежменти Фонди эксперт гуруҳи аъзоси Дмитрий Маслов, сифат бўйича Россия Федерацияси ҳукумати мукофоти учун конкурс эксперти Александр Шестаков ва Буюк Британиянинг “D&D Excellence Limited” компанияси директори Дерек Мидхерстнинг фикрича: “Умумий сифат менежменти (TQM) фалсафасининг Европа талқини сифатида EFQM концепцияси, ўз навбатида, сифатни яхшилаш учун фойдаланишга мўлжалланган амалий восита (модель) ҳам ҳисобланади” [9].

Л.Роча-Лона, Л.А.Гарза-Рейес, В.Кумар ҳаммуаллифликдаги “Сифатни бошқариш тизимларини қуриш: тўғри усуллар ва воситаларни танлаш” номли монографияда: “Бизнес экселленс назорат ва статистик жараёнларни бошқаришнинг (SPC) асосий тушунчаларидан муҳим натижалар ва самарадорликка йўналтирилган бизнес мезонларига таянган бутун ёндашувга айланган яхлит ёндашувнинг мақсадидир” [21], деб таъриф берилади.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада монографик тадқиқот усули, иқтисодий жараёнларни англашнинг мантиқий хулосалаш, тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, комплекс ёндашув, эксперт баҳолаш, сўров, маълумотларни гуруҳларга ажратиш, статистик кузатиш каби усул ва услублардан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Тадбиркорлик қобилияти инсоннинг ўз ташаббуси билан иқтисодий ресурсларни бир-бирига бириктира олиш, янги ишни бошлаш, инновацияларни ўзлаштириш, оқилона таваккал қила билиш, бизнесни бозор усулида самарали юритиш ва бошқариш қобилиятларининг йиғиндисидир. Унинг иккита: товар сифатидаги ва ишлаб чиқаришнинг шахсий омили сифатидаги жабҳаларини ажратиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик қобилияти микроиқтисодиёт сатҳида истеъмол ва айирбошлаш қийматларига эга бўлган махсус товар сифатида намоён бўлади. “Тадбиркорлик қобилияти” махсус товарнинг истеъмол қиймати тадбиркор инсоннинг бозор талабларига жавоб берадиган ва фойда келтира оладиган товар ва хизматларни яратиш қобилиятида ифодаланади. Бу сифатда тадбиркорлик қобилияти ишчи кучи сингари ишлаб чиқаришнинг шахсий омили ҳисобланади. Тадбиркорлик қобилиятининг ишлаб чиқариш омили сифатида шаклланиши бир қатор шарт-шароитлар ва иқтисодий сабабларга боғлиқ бўлади.

Ушбу махсус товарнинг айирбошлаш қиймати инсон тадбиркорлик қобилиятининг микро (корхона)-, мини (оила)- ва моно (индивидуал) иқтисодий даражаларда реализация қилиш усулларида намоён бўлади. Биз тадбиркорлик қобилиятини айирбошлашнинг иккита усулини ажратишни тавсия этамиз:

1. *Тадбиркорлик усули.* Унга кўра ўзини ўзи банд қилган шахслар, яқка тартибдаги ва оилавий тадбиркорлар ҳамда кичик бизнес субъектлари ўз хусусий ишини ўзлари ташкил этиб, ўз даромадини ўзлари тасарруф қилишадилар.

2. *Ишбилармонлик усули.* Унга мувофиқ тадбиркор инсоннинг ишбилармонлик фазилатлари бизнеснинг корпоратив шаклида ёлланма профессионал менежер сифатида акциядорлик жамияти доирасида қўлланилади.

Тадбиркорлик назариясининг юқорида билдирилган фикр-ақидалардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, бозор иқтисодиёти шароитида турли молиявий ва иқтисодий саъй-ҳаракатларнинг ўзига хос хусусиятига


эга бўлган кишилар ўртасида энг фаол шахс ва иқтисодиётни ривожлантирувчи куч тадбиркор инсон ҳисобланади. Бундай тоифа шахснинг тадбиркорлик қобилияти қайси сифат даражасида қарор топганлиги, тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлик ҳолатига боғлиқ бўлади. Шунинг учун тадбиркор инсоннинг мукамал сифат даражасини баҳолаш тадбиркорлик фаолиятининг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий мавқеини аниқлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиш кўламини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

XX асрнинг 90-йилларида АҚШнинг Стенфорд университетига тадбиркорлик бўйича анжуман қатнашувчилари “тадбиркорликнинг муваффақиятида энг муҳим ролни мукамалликка интилиш ўйнайди” деган хулосага келган эдилар [3]. Шунинг учун тадбиркорлик фаолиятининг мукамалликка эришиш йўлини илмий асослаш долзарб масала ҳисобланади.

Ушбу мақсадни кўзлаб, биз 1991 йилда “Bosch”, “Nestle”, “Olivetti”, “Renault”, “Philips”, “Volkswagen”, “Electrolux” каби Европанинг 14 та етакчи компаниялари ҳамкорлигида Еврокомиссиянинг қўллаб-қувватлаши натижасида бизнеснинг мукамалликка эришиш ва самарадорлигини аниқлаш учун яратилган Европа Сифат Менежменти Фондининг “Мукамаллик модели” (EFQM Excellence Model) асосида ҳамда Бухоро иқтисодиёт илмий мактаби намояндалари томонидан илмий асосланган “Инсон капиталининг тадбиркорлик концепцияси”га таянган ҳолда “Тадбиркорликнинг мукамаллиги модели”ни яратиш вазифасини ўз олдимизга қўйдик.

“Тадбиркорлик қобилияти”ни бизнес субъектларининг сифат аниқловчиси нуқтаи назаридан қараш бизга бизнеснинг янгича: “тадбиркорлик маҳорати” концепциясини асослашга турки берди (1-расм).

1-расмдан кўришиб турибдики, тавсия этилаётган “Тадбиркорлик маҳорати” концепцияси иккита назария: 1) *сифат менежментининг бизнес маҳорати (экселленс) концепцияси* ва 2) *иқтисодий комил инсон концепцияси* эвазига вужудга келмоқда. Унинг шаклланиши бир томондан мукамал тадбиркор инсоннинг шаклланишига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан бизнес субъектларининг сифатини ошириш жараёни билан узвий алоқададир. Тадбиркорлик маҳорати концепциясини шакллантирувчи методологик асосларнинг мазмун-моҳиятини қуйида батафсил кўриб чиқамиз.



1-расм. Тадбиркорлик маҳорати концепциясининг методологик асослари

Манба: 1-расм муаллиф ишланмаси.

1. Сифат менежментининг бизнес маҳорати (business excellence) концепцияси. 1991 йилда Европа Сифат Менежменти Фонди (EFQM) кўмагида ташкилотларнинг мукамаллик модели ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосида 1992 йилда биринчи Европа Сифат мукофоти берилган. Унинг умумий кўриниши 2-расмда кўрсатилган.

2-расмдан кўриниб турибдики, “EFQM Бизнес маҳорати модели” ташкилий тузилиши бўйича тўққиз мезонли иқтисодий баҳо-

лаш модели бўлиб, унинг мазмун-моҳияти қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

Биринчидан, EFQM Бизнес мукамаллик модели тузилиш жиҳатдан тизимли ёндашувга асосланади. Модель иккита тизимости: 1) имкониятлар ва 2) натижалардан таркиб топган ва бир-бири билан чамбарчас боғланган 9 та йирик мезонлардан иборат бўлиб, ҳар бири ўз навбатида бир нечта кичик мезонларга бўлинади.



2-расм. Европа Сифат Менежменти Фонди (EFQM)нинг Бизнес маҳорати (Business excellence) модели

Манба: EFQM, (2013). EFQM Excellence Model. Website EFQM, available at: <https://www.efqm.org/>. (мурожаат санаси: 05.01.2022 йил).

Иккинчидан, EFQM Бизнес маҳорати моделида имкониятлар 5 та – лидерлик; ходимлар; сиёсат ва стратегия; ресурслар ва ҳамкорлик; жараён мезонлари воситасида “ташкilot ўз фаолиятини такомиллаштириш учун нима қила олиши ва нима қилиш мумкинлигини кўрсатади” [19].

Учинчидан, EFQM Бизнес маҳорати моделининг 5 чи – “жараён” мезони трансформацион хусусиятга эга бўлиб, имкониятлардан фойдаланган ҳолда ижобий натижаларга эришишда муҳим роль ўйнайди.

Тўртинчидан, EFQM Бизнес маҳорати моделида натижалар гуруҳ мезонлари ташкilotда ходимлар ва мижозларнинг қониққанлиги ҳамда жамият учун натижалар каби ҳақиқий ютуқларини кўрсатади ва жузъий натижаларни ифодалайди.

Ниҳоят, сўнгги 9 чи мезон EFQM Бизнес маҳорати моделининг ўзига хос синергик самараси сифатида юзага чиқиб, барча мезонларнинг якуний натижасини ифодалайди.

2001 йилда ташкilotларнинг муваффақиятларини тан олиш ва мазкур моделни татиқ этишининг янгича схемаси жорий этилди.

Схема EFQM моделининг ташкилотнинг турли даражадаги етуклигини баҳолаш учун мўлжалланди. У қуйидаги имкониятларни яратиши [15]:

1. Мукамаллик йўлида аниқ йўналишларни белгилаш.
  2. EFQM Бизнес мукамаллик моделининг фундаментал концепцияси ва тамойиллари қўлланаётган ташкилотлар сонини максимал даражада ошириш.
  3. Ташкилотларни такомиллаштиришга қўмаклашадиган амалий воситалар ва хизматлар билан таъминлаш.
  4. EFQM ва миллий ҳамкор ташкилотларида Европанинг барча давлатлари учун ташкилотларнинг ҳақиқий ва нуфузли тан олишини таъминлаш.
- Шундай қилиб, EFQM Бизнес маҳорати модели тadbirkorлик субъектларида “ўзини ўзи баҳолашнинг самарали ёндашувларини ишлаб чиқишда фойдали бўлиши мумкин” [7].

EFQM Бизнес маҳорати модели Европа Комиссиясининг T012B06-2006 SM-SCM “Ўзбекистон олий таълим тизимида сифат таъминоти” (UQASE) ТЕМПУС лойиҳаси доирасида ОТМлар сифатини баҳолаш тизимини яратиш масаласини ўрганиб, мамлакатимизга мос ва олий таълим тизимимизга хос сифат таъминоти моделини ишлаб чиқиш фаолияти олиб борилган. Лойиҳа ижрочилари томонидан бешта ОТМда мазкур моделнинг йирик мезонлари ҳисоб-китоблари амалга оширилган.

UQASE моделининг ҳар бир йирик мезонлари олий таълим тизимида сифатни таъминлашда турли салмоққа эга. Уларнинг салмоғи эксперт баҳолаш асосида фоиз ҳисобида аниқланади. UQASE лойиҳаси ижрочиларининг фикрларига кўра бу салмоқ қуйидагича (1-жадвалга қаранг):

1-жадвал

**EFQM Бизнес маҳорати модели бўйича асосий мезонларнинг салмоқ коэффициентларининг тақсимооти (ОТМлар мисолида) (% ҳисобида)**

Т\р	Йирик мезонлар	СамИСИ	ҚарМИИ	БухДУ	УрДУ	ТДИУ	Ўртача
1.	Лидерлик	15	10	11	20	10	13
2.	Сиёсат ва стратегия	9	10	7	10	12	10
3.	Ходимлар	8	12	12	12	12	12
4.	Ресурслар ва ҳамкорлик	8	10	10	8	8	9
5.	Жараёнларни бошқариш	10	13	11	10	12	11
	Жами мкониятлар гуруҳи бўйича:	50	55	51	60	54	55
6.	Мижоз(талаба)ларнинг қониққанлиги	20	18	16	12	18	16
7.	Ходим(ўқитувчи)ларнинг қониққанлиги	10	9	15	10	10	10
8.	Жамият учун натижалар	7	6	8	8	10	8
9.	ОТМлар фаолияти натижалари	13	12	10	10	8	11
	Жами натижалар гуруҳи бўйича:	50	45	49	40	46	45

**Манба:** Ўзбекистон олий таълим тизимида сифат таъминоти: UQASE МОДЕЛИ / проф. Б.Наврўззода ва доктор К.Маchado таҳрири остида. – Брюссель: Брюссель эркин университети (VUB). – Т.: “Xarizma design” нашриёти, 2008. – 94 б.

1-жадвалдан кўриниб турибдики, бу масала бўйича турли ОТМларда сифат мукамаллиги мезонлари турлича даражада қарор топган. Таҳлил асосида олганда, имкониятлар гуруҳи мезонларининг ўртача салмоғи 55 % ва натижалар гуруҳи мезонларининг ўртача салмоғи эса 45 % деб UQASE модели учун ижрочилар томонидан қабул қилинган эди. Имкониятлар бўйича энг юқори балл Урганч давлат университети (УрДУ) ва энг паст балл Бухоро давлат университети (БухДУ)да қарор топган. Натижалар бўйича эса энг юқори балл Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти (СамИСИ) ва энг паст балл Қарши муҳандис-

лик-иқтисодиёт институти (ҚарМИИ)да эканлиги аниқланди. Ушбу кўрсаткичлар кўриб чиқилган ОТМларда сифат мукамаллиги мезонларининг ривожланганлик даражаларини ифодалайди.

2. Иқтисодий комил инсон концепцияси. “Иқтисодий комил инсон концепцияси” иқтисодий назария учун янги иқтисодий таълим йўналиши ҳисобланади. Бу концепция “комил инсон назарияси” ва “иқтисодий инсон назарияси” негизида XXI асрнинг илк йилларида вужудга келган [6]. Бунда “иқтисодий қобилиятлари”га инсон унумдорлигининг ўлчов мезони сифатида қараш эвазига инсон унум-

дорлигининг янгича: “иқтисодий қобилиятлар” ғояси асосланган (3-расм).

Ўзбек иқтисодчи-олими, Бухоро давлат университети профессори Бахтиёр Наврўззода томонидан Нажмиддин Кубронинг комил инсон назариясига асосланиб “Иқтисодий комил инсон” концепцияси яратилган. Олим ўзбек илмий жамоатчилигида “иқтисодий баркамол инсон” деган тушунчасини илк марта 2004 йилда илмий айирбошлашга кириб, “иқтисодий баркамол инсон” тушунчасига “меҳнат ва тадбиркорлик қобилиятларига эга бўлиб, уларни ўзи, оиласи, миллати ва халқи, давлатининг фаровонлиги ва манфаати йўлида самарали рўёбга чиқара оладиган инсондир” [10, 65 б.] деб таъриф бериб ўтган.

Бозор иқтисодиёти тизимида қўшимча қиймат келтирадиган “капитал” тушунчасининг фойда келтирадиган иш – “бизнес” тушунчасига трансформацияси ҳамда менежмент ва маркетинг назарияларининг вужудга келиши ва ривожланиши натижасида “тадбиркорлик қобилияти”ни ишлаб чиқаришнинг шахсий-инсоний омили сифатида шаклланиши ва унинг “ишчи кучи”дан ажралиб, ўзига хос ишлаб чиқариш омилига айланишини илмий жиҳатдан асослаган ҳолда [11, 147-152 б.], проф. Б.Н.Наврўззода томонидан инсон иқтисодий камол топишининг тўртта қуйидаги каби босқичлари ажратилиб, уларга аниқ тавсиф берилган [12, 34 б.].



3-расм. Инсон унумдорлигининг “иқтисодий қобилиятлар” концепцияси методологик асослари[13]

1) капитал сифатидаги инсон (инсон қобилиятларининг даромад келтирувчанлик хусусиятга эга бўлиши);

2) ишчи кучи сифатидаги инсон (меҳнат қилишга қаратилган жисмоний, ақлий ва маънавий қобилиятларининг шаклланиши);

3) тадбиркор сифатидаги инсон (бизнес таълим ва тарбия натижасида ўзининг ташаббускорлик, ташкилотчилик, новаторлик, таваккалчилик ва тижоратчилик фазилатларини ривожлантириб, ишлаб чиқаришнинг шахсий-инсоний омили бўлмиш тадбиркорлик қобилияти юзага келади);

4) менежер сифатидаги инсон (касбий ёлланма менежер сифатида меҳнати учун иш ҳақи олади ва ўз тадбиркорлик қобилиятини самарали рўёбга чиқарганлиги учун акциядорлик жамияти кўрган фойдадан муайян фоизда улуш олади).

Шунингдек, проф. Б.Н.Наврўззода комил инсоннинг иқтисодий комиллик даражасини аниқловчиси сифатида “Инсон иқтисодий салоҳияти” мультипликаторини тавсия қилиб, уни аниқлашнинг еттита қуйидаги мезонлари ва кўрсаткичлари ҳамда 100 баллик тизимда уларни баҳолаш балларининг тақсимотини тавсия этган [20]:

1. Иқтисодий тарбия кўрганлиги (шахсининг меҳнатсеварлиги, тежамкорлиги, ҳисобкитоб билан яшаши, хўжалик ишларини юргизиш маҳорати, ўз нафсини жиловлай олиш кўникмаси, пулни оқилона сарфлаши, мол-мулкни асраб-авайлаши каби жузъий кўрсаткичлари асосида аниқланади) – 15 балл.

2. Иқтисодий билимдонлиги (барча коммунал тўловларининг ҳисоб-китобларини билиши ва вақтида тўлашни таъминлаши, иш ҳақидан чиқимларни ва соф қўлга оладиган суммасини билиши, кундалик истеъмол товар

ва хизматлари нарх-наволари тўғрисида тасаввур даражаси, оила бюджетини тузиш ва юритиш кўникмаси, бозор ва дўконлардан нарса сотиб олишда нарх музокараларини олиб бориш маҳорати ва харидорлик тажрибаси, солиқлар ва уларнинг ижтимоий аҳамияти тўғрисидаги билимдонлиги, бозор иқтисодиёти шароитида товат ва хизматлар нархларининг тез-тез ўзгариш сабабларини билиши каби жузъий кўрсаткичлари асосида аниқланади) – 15 балл.

3. *Лавозимдаги мартабаси ва касбий маҳорати* (шахснинг иш жойида эгаллаб турадиган лавозимидаги мартабаси ва касбий маҳорати юқори, ўрта ва паст даражада аниқланади) – 14 балл.

4. *Меҳнат қобилиятини самарали рўёбга чиқариши* (меҳнатдан оладиган даромаднинг шахсий ва оилавий сарф-харажатларини қоплаш имкониятини баҳолаш асосида аниқланади) – 14 балл.

5. *Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш самарадорлиги* (тадбиркорликдан оладиган даромаднинг мавжудлиги ва унинг кўламини баҳолаш асосида аниқланади) – 14 балл.

6. *Даромад ва сарф-харажатларнинг мутаносиблиги* (бойликнинг “80\20”, яъни бир ойлик (йиллик) даромадларининг 80 % ва ундан камроғини истеъмолчилик харажат-

ларига сарфлаб 20 % ва ундан кўпроғини жамғариб бориш олтин қоидасига қай даражада риоя қилиш бўйича аниқланади) – 14 балл.

7. *Сармоядорлик маҳорати* (шахсий жамғармаларни айирбошлашга киритиб, улардан оладиган қўшимча фойда меъёри асосида аниқланади) – 14 балл.

“Инсон иқтисодий салоҳияти” мультипликаторини аниқлаш мақсадида проф. Б.Н.Наврўззода томонидан “*Иқтисодий лаёқат тести*” ишлаб чиқилган. Унга кўра, иқтисодий қобилиятларнинг ривожланганлиги олтига: “0-25 фоиз – ривожланмаган”, “26-40 фоиз – сушт даражада ривожланган”, “41-55 фоиз – ўрта даражада ривожланган”, “56-70 фоиз – меъёр даражада ривожланган”, “71-85 фоиз – етуклик даражада ривожланган” ва “86-100 фоиз – комиллик даражада ривожланган” сифат даражаларини ажратиш имкони мавжуд. Биз “Инсон иқтисодий салоҳияти” мультипликаторини аниқлаш мақсадида “*Иқтисодий лаёқат тести*” воситасида Бухоро шаҳрида иш билан банд бўлган 250 нафар кишининг иқтисодий қобилиятлари ривожланганлик даражасини эксперт усулида (100 баллик тизим бўйича) сўроқ ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоб қилиб чиқдик (2-жадвал).

2-жадвал

250 нафар респондентнинг иқтисодий қобилиятлари ривожланганлик даражасини баҳолаш

Т/р	Иқтисодий лаёқат тести бўйича тўпланган баллар оралиғи	Қобилиятларининг ривожланганлик даражалари	Сони	% ҳисобида
1.	0 дан 25 га қадар	Ривожланмаган	3	1,2
2.	26 дан 40 га қадар	Сушт даражада ривожланган	32	12,8
3.	41 дан 55 га қадар	Ўрта даражада ривожланган	102	40,8
4.	56 дан 70 га қадар	Меъёр даражада ривожланган	85	34,0
5.	71 дан 85 га қадар	Етуклик даражада ривожланган	26	10,4
6.	86 дан 100 га қадар	Комиллик даражада ривожланган	2	0,8
	<b>Жами:</b>		<b>250</b>	<b>100 %</b>

*Манба:* 2-жадвал муаллиф томонидан “Иқтисодий лаёқат тести” бўйича сўров ўтказиш асосида тузилган.

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, иқтисодий қобилиятларининг ривожланганлик даражаси ўрганилганда, меҳнат ва тадбиркорликка лаёқатли кишилар ўртасида қобилияти *ривожланмаган* даражадагилар 3 нафар (1,2 %); 32 нафар (12,8 %) сушт даражада ривожланган; 102 нафари (40,8 %) иқтисодий қобилияти *ўрта* даражада; 85 нафарининг (34,0 %) қобилияти *меъёр* даражада, 26 нафарининг (10,4 %) қобилияти *етуклик* даражада ва 2 нафари (0,8 %) эса 86 баллдан

кўпроқ балларни йиғиб, комиллик даражадаги инсон тоифасига кирган.

**Хулоса ва тавсиялар.** Юқорида билдирилган фикр-ғоялар юзасидан куйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

– Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг учинчи устувор йўналишини 2022-2026 йилларда муваффақият билан амалга ошириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг миқдор жиҳати

билан бир қаторда сифат жиҳатдан ҳам тадқиқ этишни эътибор марказига қўйиш лозим.

– Бизнес субъектларининг сифат аниқловчиси инсон тадбиркорлик қобилиятининг ривожланиш даражасига боғлиқлигига асосланган “тадбиркорлик мукамаллиги” инновацион ғоясини ўрганиш зарурати вужудга келмоқда.

– “Тадбиркорлик маҳорати” атамаси тадбиркорнинг ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда мижозларининг ҳам эҳтиёжлари тўлақонлик билан қонидирилганлиги, ҳудуди ва давлатининг фаровонлиги учун хизмат қилиб, илғор бизнес субъекти даражасида фаолият кўрсатишидир.

– “Тадбиркорлик қобилияти”ни бизнес субъектларининг сифат аниқловчиси нуқтаи назаридан қараш бизнеснинг янгича: “тадбиркорлик маҳорати” концепциясини асослашга турки беради. “Тадбиркорлик маҳорати” концепцияси иккита назария:

1) сифат менежментининг бизнес маҳорати концепцияси ва 2) иқтисодий комил инсон концепцияси эвазига вужудга келади.

– Иқтисодий қобилиятларнинг ривожланганлигини олтига: “ривожланмаган”, “суст”, “ўрта”, “меъёр”, “етуклик” ва “комиллик” даражаларда ривожланганлигини махсус тест орқали аниқлаб, уларни мукамаллик сифат даражасига кўтариш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имкони вужудга келади.

Шундай қилиб, Янги Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш омили сифатидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун, фикримизча, иқтисодий комил инсонларнинг бизнес таълим ва тарбия асосида тадбиркорлик фаоллигини ошириш натижасида “маҳоратли тадбиркор инсон”га айлантириш билан боғлиқ самарали чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

#### Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз. Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиши тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи. [https://uza.uz/uz/posts/yangi-ozbekiston-taraqqiyot-strategiyasi-asosida-demokratik-islohotlar-yolini-qatij-davom-etiramiz\\_318163](https://uza.uz/uz/posts/yangi-ozbekiston-taraqqiyot-strategiyasi-asosida-demokratik-islohotlar-yolini-qatij-davom-etiramiz_318163) (21.01.2022 й.).
2. Абдуллаев Ё. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. – Т.: Меҳнат, 2010. – 349 б.
3. Богомолов В.А. Введение в предпринимательство. Электронные ресурсы. <https://moodle.kstu.ru/mod/book/view.php?id=22080&chapterid=4211> (дата обращения: 06.01.2022 г.).
4. Болтабоев М.Р. ва бошқалар. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. – Т.: ТДИУ, 2012. – 275 б.
5. Гулямов С.С., Догиль Л.Ф., Семенов Д. Предпринимательства и малый бизнес. – Т.: ТГЭУ, 1996. С. 19-83.
6. Жумаев Р. Инсон капиталини ривожлантиришнинг “унумли қобилиятлар” модели. // Иқтисодиёт ва таълим, 2011, 7-сон. 148-152-б.
7. Маслов А., Мазалецкая А., Стивд К. Модель совершенствования EFQM. Высшее образование в России. № 9, 2005. С. 55.
8. Муродова Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2016. – 234 б.
9. Маслов Д., Шестаков А., Мидхерст Д. Полезная модель EFQM: профилактика системы управления. // Электронный ресурс. [https://quality.eup.ru/MATERIALY14/model\\_efqm.htm](https://quality.eup.ru/MATERIALY14/model_efqm.htm) (дата обращения: 05.01.2022 г.).
10. Наврўззода Б.Н. Инсон иқтисодий камолоти босқичлари, мезонлари ва даражалари. Бухоро давлат университети илмий ахборотлари, 4-сон. 2004 й. 63-70-б.
11. Навруз-зода Б.Н. Управление бизнесом по формуле «Собственник минус менеджер». Сб. науч. трудов по матер. междунар. науч. конф. «Проблемы менеджмента и рынка». – Оренбург, 1996. С. 147-152.
12. Наврўззода Б.Н. Баркамол авлоднинг иқтисодий салоҳиятини шакллантириш. Бухоро давлат университети илмий ахбороти, 2-сон, 2010 й. 32-38-б.
13. Наврўззода Б.Н. Иқтисодий қобилиятларнинг ўлчов мезонлари. // “Psixologiya” илмий журнали, 3-сон, 2014-йил. 6-б.
14. Плячкайтене И.М. Становление и развитие теории человеческого капитала [Текст]. / И.М. Плячкайтене. // Молодой ученый. 2011. № 7. Т.1. С. 102-104). С. 103.
15. Предпосылки и история создания модели. <https://efqm-rus.ru/model-efqm> (05.01.2022).
16. Файзуллаев Н. КБХТни ривожлантиришда ностандарт бандлик имкониятларидан самарали фойдаланиш. Иқт. фан. ном. дисс. автореферати. – Т.: ЎЗБМА, 2018. – 56 б.
17. Ўзбекистон олий таълим тизимида сифат таъминоти: UQASE МОДЕЛИ. / Проф. Б.Наврўззода ва доктор К.Мачадо таҳрири остида. – Брюссель: Брюссель эркин университети (VUB). – Т.: “Xarizma design” нашриёти, 2008. – 94 б.
18. EFQM, (2013). EFQM Excellence Model. Website EFQM, available at: <https://www.efqm.org/>. (мурожаат санаси: 05.01.2022 йил).
19. Модель EFQM. [https://www.kpms.ru/General\\_info/EFQM\\_model.htm](https://www.kpms.ru/General_info/EFQM_model.htm) (мурожаат санаси: 05.01.2022 йил).
20. Navruz-zoda B. Monoeconomic model of poverty reduction. Buxoro davlat universiteti ilmiy axboroti. 2-son, 2021. 251-264-b.
21. Luis Rocha-Lona. Jose Arturo Garza-Reyes. Vikas Kumar. Building Quality Management Systems: Selecting the Right Methods and Tools. CRC Press Taylor & Francis Group. Boca Raton. London. New York. 2013. – 201 p. P. 5-6.